

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил май ойининг 01 куни жиноят ишлари бўйича Ромитан туман суди, Ромитан туман "Зарафшон" маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.А.Ўралов, судья ёрдамчиси У.Жумаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ромитан туман прокурори катта ёрдамчиси К.Кличев, судланувчи Ш.Жўраев ва унинг адвокати К.Наврўзовларнинг иштирокида, [REDACTED]

[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]
1980 йил 10 сентябрь куни Ромитан туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ЯТМФБШ, Ромитан тумани "Боғитуркон" МФЙ, "Ҳазорбоғ" қишлоғида яшайди, унга нисбатан "муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат" эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатнома нусхасини 2023 йил 13 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 270-моддасининг 1-қисми ва 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ромитан туман ИИБ ходимлари томонидан 2023 йил 12 март куни аниқланишича, [REDACTED], қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, 2022 йил март ойидан 2023 йил 12 март кунига, қадар вақт оралиғида акаси Жўраев Шерали Элмуродовичга тегишли бўлган, Ромитан туман "Боғитуркон" МФЙ, "Ҳазорбоғ" қишлоғи ҳудудида жойлашган "Сардор Жўра Гулчирой" фермер хўжалиги дала ер майдони чекка қисмида 1x1 метр катталиқда ер майдонида, "Марихуана" гиёҳвандлик моддасининг уруғларини



буғдой экилган ерни четига экиб етиштирганлиги ва унинг яшаш уйида ўтказилган тинтув тергов ҳаракати жараёнида уни хонадонидан ҳужжатлаштириб олинган бир дона гугурт қутиси ва бир дона қоғоз бўлаги ўрамига жойлаштирилган ҳолда бўлган, Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 2023 йил 13 март кунисидаги 89-сонли хулосасига кўра соф вазни 2,25 (икки бутун юздан йигирма беш) граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдордаги “Марихуана” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда экиб, етиштириб ва сақлаб келаётганлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2012 йилда Россия Федерациясининг марказида ишлаш мақсадида борганлигини, у ўша ерда Беларус миллатига мансуб бўлган шахслар билан бирга “Наша” деб номланувчи ўсимлигини эзиб майдалаб сигаретга қўшиб чекишганликларини, шунда у улардан наша ўсимлик моддасини қандай тайёрлаб чекишни ўрганганлигини, шундан сўнг у 2018 йил октябрь ойларида ўзи яшаш уйига Россия Федерациясидан қайтиб келганлигини, сўнг ишсиз юрган вақтларида 2022 йил март ойида Ромитан туман “Боғитуркон” МФЙ, “Ҳазорбоғ” қишлоғида жойлашган акаси Жўраев Шерали Элмуродовичга тегишли бўлган дала ер майдони чекка қисмида 1x1 метр катталиқда ер майдонига маҳрум бобоси Жўраев Хўжамуроддан қолган 3 дона Наша ўсимлик моддасининг уруғларини буғдой экилган ерни четига экканлигини, у ўсимликни шахсан ўзи экканлигини, у наша ўсимлиги уруғларини экканлиги ҳақида ҳеч кимни хабари бўлмаганлигини ва у бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганлигини, шундан сўнг у эккан наша ўсимлигидан 2 донаси ўсиб чиққанлигини, у ушбу ўсимликни парваришлаб, 2022 йил октябрь ойларида 2 дона толасини ердан узганлигини, бу ҳолатни ҳеч ким кўрмаганлигини ва хабари бўлмаганлигини, шундан сўнг у мазкур наша ўсимлигини яшаш уйининг омборхонаси ичида бўлган оёқ кийимнинг қутисига эзғилаб майдалаб солиб қўйганлигини, у ушбу қутига солинган наша ўсимлигидан бир қисмини 5-6 донасини гугурт қутига солиб омборхонанинг юқори томон чап бурчагида жойлашган оёқ кийимлар орасига яшириб қўйганлигини, сўнг юқорида айтиб ўтилган наша ўсимлигини эзиб майдалаб солиб қўйган оёқ кийим қутисини турмуш ўртоғи Эргашова Муниса кўриб билмасдан ушбу қути ва ичидаги наша ўсимлиги билан бирга нон ёпадиган тандир ичига ёқиб юборган эканлигини, буни у кейинчалик турмуш ўртоғидан эшитиб хабар топганлигини, у буни ўз кўзи билан кўрмаганлигини, шундан сўнг уйида қолган 5-6 гугурт қути олиб қўйилган наша ўсимлигини истеъмол қилиб келганлигини, у наша ўсимлигини истеъмол қилиш учун ҳар гал бир литерли “Сока-



Сола” идишини ичига солиб ўша орқали ундан фойдаланиб келганлигини, у “Сока-Сола” идишини доим молхонада яшириб келганлигини, у орадан вақт ўтиб 2022 йил декабрь ойларида санаси аниқ эсида бўлмаган вақтда Ромитан туман “Ҳафизработ” МФЙда яшовчи Сафаров Фахриддин билан бирга Ромитан туман “Ҳафизработ” МФЙ ҳудудидаги пахта дала ер майдонига етиб келганлигини, ўша ерда таниши “Фахриддин” ўзи билан бирга олиб келган наша ўсимлигини сигаретга тахлаб бирга чекишганликларини, ўшанда наша ўсимлиги таниши “Фахриддин” га тегишли бўлганлигини, Фахриддин ўзи билан бирга олиб келганлигини, у шундан сўнг ўзи яшириб қўйган наша гиёҳванд ўсимлигини истеъмол қилиб келганлигини, шундан сўнг 2023 йил 12 март куни яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништиришганлигини ва тегишли ҳужжатлар асосида яшаш хонадонига тинтув ўтказишганлигини, тинтув вақтида омборхонанинг оқ қоғозда ўралган нашага ўхшаш ўсимликни ўз ихтиёри билан тақдим этганлигини, ИИБ ходимлари томонидан барчаси ҳужжатлаштириб олинганлигини, у бирор шахсга гиёҳвандлик воситаларини сотмаганлигини ва ўтказмаганлигини, бундай мақсади ҳам бўлмаганлигини, содир қилган қилмишига иқдор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ И.Файзуллоев, у 2023 йил 12 март куни соат тахминан 17 ларда у Ромитан туман “Ҳазорбоғ” МФЙ марказларида юрган вақтида профилактика инспектори келиб бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўраганлигини, у бунга рози бўлганлигини ва яна бошқа бир нафар холис иштирокида Ромитан туман “Боғитуркон” МФЙ, “Ҳазорбоғ” қишлоғида яшовчи Жўраев Шерқўзи Элмуродовичнинг яшаш уйларида етиб келганликларини, ўшанда улар билан бирга у ерга ИИБ ходимлари ҳам келганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ўзларини хонадон эгаларига таништириб, тергов ҳаракатларини улар иштирокида давом эттириб, кейин ИИБ ходимлари Ромитан туман Прокуратура ходимлари томонидан рухсат берилган тинтув қарори асосида хонадон эгаси таништирилганлигини ва уй эгаси ўзини Жўраев Шерқўзи Элмуродович деб таништирганлигини, унинг яшаш хонадонига тинтув ўтқариш вақтида омборхонанинг оқ қоғозда ўралган нашага ўхшаш ўсимлик эзгиндиларини Шерқўзи ўз ихтиёри билан тақдим этганлигини, ИИБ ходимлари улар иштирокида омборхонадан ўтказган тинтув вақтида омборхонанинг чап бурчаги оёқ кийимлар турган жойидан хонадон эгаси яшириб қўйган сариқ рангли гугурт қутиси ичига солинган нашага ўхшаш ўсимлик эзгиндилари топилганлигини, шундан сўнг молхона томонидан нашани чекишда



фойдаланилган 1 дона елим идишли баклашка топиб олинганлигини, ушбу гиёҳванд моддасига ўхшаш яшил рангли ўткир ҳидли ўсимлик эзғилари борлиги уларга аниқлик киритиш мақсадида елим идишни ҳамда бир дона гугурт қутиси ва бир дона қоғоз бўлаги ўрамига жойлаштирилган яшилсимон ўсимликларни қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, тегишли тартибда улар иштирокларида ҳужжатлаштирилиб олинганлигини, тадбир жараёнида ИИБ ходимлари томонидан бирор-бир кишига зўрлик ишлатилиши ёки ноқонуний ҳолатлар содир бўлмаганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судда гувоҳ С.Барноев, 2023 йил 12 март куни соат тахминан 17 ларда у Ромитан туман “Ҳазорбоғ” МФЙ марказларида юрган вақтида профилактика инспектори келиб бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўраганлигини, у бунга рози бўлганлигини ва яна бошқа бир нафар холис иштирокида Ромитан туман “Боғитуркон” МФЙ, “Ҳазорбоғ” қишлоғида яшовчи Жўраев Шерқўзи Элмуродовичнинг яшаш уйларига етиб келганликларини, ўшанда улар билан бирга у ерга ИИБ ходимлари ҳам келганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ўзларини хонадон эгаларига таништириб, тергов ҳаракатларини улар иштирокида давом эттириб, кейин ИИБ ходимлари Ромитан туман Прокуратура ходимлари томонидан рухсат берилган тинтув қарори асосида хонадон эгаси таништирилганлигини ва уй эгаси ўзини Жўраев Шерқўзи Элмуродович деб таништирганлигини, унинг яшаш хонадошида тинтув ўтқариш вақтида омборхонанинг оқ қоғозда ўралган нашага ўхшаш ўсимлик эзғиндиларини Шерқўзи ўз ихтиёри билан тақдим этганлигини, ИИБ ходимлари улар иштирокида омборхонадан ўтказган тинтув вақтида омборхонанинг чап бурчаги оёқ кийимлар турган жойидан хонадон эгаси яшириб қўйган сариқ рангли гугурт қутиси ичига солинган нашага ўхшаш ўсимлик эзғиндилари топилганлигини, шундан сўнг молхона томонидан нашани чекишда фойдаланилган 1 дона елим идишли баклашка топиб олинганлигини, ушбу гиёҳванд моддасига ўхшаш яшил рангли ўткир ҳидли ўсимлик эзғилари борлиги уларга аниқлик киритиш мақсадида елим идишни ҳамда бир дона гугурт қутиси ва бир дона қоғоз бўлаги ўрамига жойлаштирилган яшилсимон ўсимликларни қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, тегишли тартибда улар иштирокларида ҳужжатлаштирилиб олинганлигини, тадбир жараёнида ИИБ ходимлари томонидан бирор-бир кишига зўрлик ишлатилиши ёки ноқонуний ҳолатлар содир бўлмаганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Ш.Жўраев ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини, давлат айбловчиси, адвокат ва судланувчининг музокара нутқини



ҳамда судланувчининг охирги сўзини тинглаб, судланувчининг айби ўзининг иқрорлик ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувлари, -ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва илова қилинган расм жадвали, судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш қарори ва хулосалари /и.в. 3-26/, судга оид наркологик экспертиза тайинлаш қарори ва хулосаси /и.в. 76-77/ ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Жўраевнинг содир этган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 270-моддасининг 1-қисми ва 276-моддасининг 1-қисми билан билан тўғри квалификация қилинган.

Суд судланувчи Ш.Жўраевнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги №1-сонли "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг судлар жазо масаласини ҳал қилишда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги тўғрисидаги талабларидан келиб чиқиб, 3-бандидаги "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак" деб, тушунтирилган.

Суд судланувчи Ш.Жўраевга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, оилавий шароитини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга айбланаётган моддалар санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, ЖК 59-моддасининг 2-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни ҳамда ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Ш.Жўраевга нисбатан қўлланилган "муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат" эҳтиёт чораси бекор қилишни ва иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Бухоро вилоят бошқармасида сақланаётган, Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 2023 йил 13 март кундаги 89-сонли хулосасига кўра соф вазни 2,25 (икки бутун юздан йигирма беш) граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдордаги "Марихуана" гиёҳвандлик воситасини



ва Ромитан туман ИИБда сақланаётган бир дона 1,5 литер сиғимли баклашкани йўқ қилишга чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462,463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 270-моддасининг 1-қисми ва 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 270-моддасининг 1-қисми билан 1 /бир/ йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан 1 /бир/ йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида [REDACTED]нинг ИИО Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартириши, Бухоро вилояти худуддан ташқарига чиқиши ва куннинг кеч соат 21:00дан эрталаб соат 07:30 гача яшаш жойи ҳисобланган Ромитан туман “Боғитуркон” МФЙ, Ҳазорбоғ қишлоғида жойлашган яшаш уйдан чиқиб кетиши тақиқлансин;

Озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида [REDACTED]нинг зиммасига:

-гиёҳвандлик моддалари ва спиртли чимликлар истеъмол қилмаслик.

- ресторан, кафе, бар ва клубларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- ҳар ойда бир маротаба Ромитан туман ИИО Пробация гуруҳидан рўйхатдан ўтиб туриш каби қўшимча тақиқ (чеклаш)лар юклатилсин;

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм Ромитан туман ИИО Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш Ромитан туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.



■ нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Бухоро вилоят бошқармасида сақланаётган, Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 2023 йил 13 март кунидаги 89-сонли хулосасига кўра соф вазни 2,25 (икки бутун юздан йигирма беш) граммга тенг бўлган озгинадан кўпроқ миқдордаги “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси ва Ромитан туман ИИБда сақланаётган бир дона 1,5 литер сиғимли баклашка йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида ушбу суд орқали Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья

А.А.Ўралов

